2011 йил 13 январь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 9 (11.820) | Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, шунингдек ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:*

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**

**Якубов Джахангир Тулкинович** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедра бошлиғи

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»**

**Слизкий Борис Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий-клиник госпиталининг травматология бўлинмаси бошлиғи – бош травматологи

*Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, тинчликни, барқарорликни ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан**

**Саломов Фазлитдин Ибодуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Абдурахимов Хошимжон Абдухалимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири ўринбосари

**Кадиров Фаррухжон Мухторович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантларни тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

**Курбонов Акобир Собирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси жисмоний тайёргарлик кафедраси бошлиғи ўринбосари

**Турдикулов Умиджан Абдуссатар ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантларни тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи – ўқитувчи

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Абдувахобов Абдукодир Абдумажидович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири ўринбосари

**Джалалов Мансур Маъруфович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Толипов Дильшод Абдужабборович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Хужамов Хамид Мухитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Шарипов Хуршид Рафикович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

## ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

**Миллий байрамимиз – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда турли учрашувлар, давра суҳбатлари ва анжуманлар давом этмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Ватанга қасамёд» мажмуасида «Ўзбекистон Қуролли Кучлари – юрт тинчлиги ва хавфсизлигининг кафолати» мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Республика Маънавият тарғибот маркази, Мудофаа вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга турли вазирлик ва идоралар, жамоат, ижодий ташкилотлар вакиллари, ҳарбийлар, ёзувчи ва шоирлар, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маънавият тарғиботчилари ва талаба-ёшлар таклиф этилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Ўзбекистон мудофаа вазирининг ўринбосари Т.Ҳамроқулов ва бошқалар Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатлар самарасида бугун миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун олий бурчга, фахрли ва шарафли ишга айланди.

*(Давоми 3-бетда)*

**Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир» мавзуидаги маърузаси ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросининг якунига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ — ДЕМОКРАТИЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСИДИР

Унда Бельгияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар, Брюсселда истиқомат қилаётган ватандошларимиз ва ушбу шаҳарда фаолият юритиб келаётган «Шарқ юлдузи» маданият уюшмаси аъзолари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатда сиёсий барқарорлик ва тинчликнинг, демократия, фуқаролар тотувлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг кафолати бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тутган ўрни, шунингдек, мустақиллик йилларида юртимизда эришилган муваффақиятлар ҳақида сўз борди.

Брифинг чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида баён этилган, бугунги кунда олдимизда турган асосий мақсад ва вазифалар хусусида фикр юритилди.

Иштирокчилар, шунингдек, 2010 йилда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар ҳамда 2011 йилнинг Президент Ислом Каримов ташаббуси билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилингани ҳақидаги маълумотлар билан таништирилди.

Тадбирда сўзга чиққан **Брюссель Эркин университети докторанти Музаффар Охунов** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топтиришга қаратилган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қонуний ҳимоя қилинадиган жамиятни шакллантиришда муҳим ҳужжат саналишини таъкидлади.

«Биз мамлакат ёшларининг юртимиздаги олий ўқув юртлари билан бир қаторда, дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларида бепул таҳсил олишларига яратилган шарт-шароитлар учун мамлакатимиз раҳбариятидан беҳад миннатдормиз. Дарҳақиқат, бугун бизнинг Брюсселдаги нуфузли университетларда илм эгаллаётганимиз давлатимиз раҳбарияти томонидан мамлакатда юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида ёш авлодга қаратилаётган улкан эътиборнинг ҳаётий тасдиғидир», деди у, жумладан.

**Брюссель Эркин университети аспиранти Мунира Аминова**нинг таъкидлашича, бугун Ўзбекистонда фуқаролик жамияти тобора ривожланиб бормоқда ва унинг келгуси тараққиёти Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган демократик тамойиллар замирида шаклланади.

«Мамлакатда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, шубҳасиз, ўзбекистонлик ёш мутахассислар касб маҳоратининг юксалишига хизмат қилади», дея фикр билдирди М.Аминова.

Бельгияда таниқли бўлган **«Europian dinamics» компанияси ходими Одил Никадамбаев** Европада ўзбекистонлик мутахассисларга қизиқиш тобора ортиб бораётгани, шубҳасиз, республикамиздаги олий ўқув юртларида жаҳон талаблари даражасидаги юқори малакали кадрлар тайёрланаётганининг ўзига хос эътирофи эканлигини алоҳида қайд этди.

Брифинг ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашар экан, **«Шарқ юлдузи» уюшмаси вакили Гулнора Ҳасанова** бу каби тадбирлар хорижда яшаётган юртдошларимиз ўртасидаги тотувликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилишини таъкидлади. «Бундай анжуманлар ватандошлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар доирасининг кенгайишига, шунингдек, олисдан туриб ўз Ватанининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечаётган муҳим воқеалар тўғрисида тезкор ва тўлиқ маълумотларни олишга кўмак беради», деди у, жумладан

Тадбирда Ўзбекистон тарихи ва мамлакатимизнинг бугунги тараққиётига бағишланган видеофильмлар намойиши ҳам бўлиб ўтди.

**«Жаҳон» АА.**
**Брюссель**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Бектемир туманидаги «Ниҳол» спорт мажмуасида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан ҳарбий кўпкураш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида 2011 йил режалари ва мусиқа санъати йўналишидаги ютуқлар ва камчиликлар таҳлилига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** шаҳримиздаги 175, 132, 18-мактабларда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ватаним саждагоҳим» мавзуида маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтади.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Тошкент ахборот технологиялари университетида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан семинар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимидаги ислоҳотлар ва унинг ҳуқуқий асосларига бағишланган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, университет ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Сирдарё вилоятида ҳам катта ҳажмдаги қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011 йил бошида вилоятнинг 8 туманидаги 10 та қишлоқда намунали лойиҳадаги 310 та уйнинг қурилиши бошланди.**

**● Ўзбекистонда 2015 йилга қадар енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни 1,5 бараварга, автобус ва юк машиналари ишлаб чиқаришни эса 1,3 бараварга ошириш режалаштирилмоқда. Мазкур лойиҳалар 2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришга доир давлат дастурида кўзда тутилган. Хусусан, жорий йилда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар сонини 225 мингтага, автобус ва юк машиналарини эса 2,7 мингтага етказиш режалаштирилган.**

**● Кармана туманилик тадбиркор Дилмурод Бердиев қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Кармана-Дилнур» масъулияти чекланган жамиятини ишга туширди. Эътиборли томони шундаки, корхонанинг 11 кишилик жамоаси Янги йилнинг дастлабки кунларида 12 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб буюртмачиларга етказиб берди.**

**● Сирдарё вилояти Ховос туманидаги «Одил Али» фермер хўжалиги раҳбари Абдурасул Адилов ташаббуси билан сутни қайта ишлаш корхонаси ташкил этилди. 15 киши меҳнат қилаётган корхонада ойига 10 тоннага яқин сут қайта ишланиб, 16 хилдаги маҳсулот ҳududдаги мактаблар ва боғчаларга етказиб берилмоқда.**

**● «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими Қибрай туманидаги кам таъминланган оилаларнинг 25 нафар фарзандини «Бўстон» санаторийсида соғломлаштириш учун бош-қош бўлди.**

### ЖАҲОНДА

**● Европа Иттифоқи Португалияга 60 миллиард евро миқдорида ёрдам ажратишни режалаштирмоқда.**

**● Греция парламенти ноқонуний муҳожирликка оид қонунни маъқуллади.**

**● Польша Ички ишлар вазири Г.Миллер на Россия, на Польша президент Лех Качньнский самолёти парвози чоғида хавфсизликни таъминлашга тайёр бўлмаганлигини таъкидлади.**

**● Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзиньтао АҚШга расмий ташрифи чоғида Корея ярим ороли билан боғлиқ олти томонлама музокараларни янгилаш лозимлигига урғу беради. 18-21 январь кунлари амалга ошириладиган расмий ташриф доирасида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.**

**● Бразилиянинг Рео-де-Жанейро штатида тинимсиз ёмғир ёғиши боис ер кўчиши қурбонлари сони 267 нафарга етди. Штатнинг асосий қисмида электр таъминоти узилган.**

**● Гаитида вабо билан касалланганлар сони 3,7 минг кишига етди.**

**● Италиянинг энг йирик RTVE телеканали анъанавий коррида томошаларини «ойнаи жаҳон» орқали тўғридан-тўғри узатишдан воз кечганини маълум қилди. Телеканал раҳбарияти коррида томошаларини «жониворларга нисбатан шафқатсизлик намойиши» туркумига кирувчи кўрсатувлар қаторига қўшиб қўйди.**

**● Шанхайда капсула хоналардан ташкил топган дастлабки меҳмонхона очилди. 2x1x1 метрдан иборат мўъжаз хонада бир кеча тунаш қиймати 10 долларни ташкил этади. Меҳмонхона 68 та номердан иборат бўлиб, капсулалар телевизор ҳамда симсиз Интернетга кириш имконияти билан таъминланган.**

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

**Миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари куни олдидан ЎзА мухбирлари ҳаётини эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга бағишлаган инсонлар билан суҳбатлашди.**

**Лазиз САДАТОВ, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети катта ўқитувчиси, подполковник:**

– Ҳарбийлик касбини танлаганимдан фахрланаман. Университетимизда таҳсил олаётган ёш муҳандислар интилувчан ва изланувчан. Мамлакатимизда қўшинларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва маиший, турар жой шароитларини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар мазкур соҳа ривожига қаратилаётган улкан эътибордан далолатдир.

Ўтган йили оиламиз билан барча шарт-шароитга эга квартирага кўчиб ўтдик. Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан касб маҳоратимни янада ошириб, Қуролли Кучларимизга ҳар томонлама етук кичик командирлар етказиб бериш ҳамда юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида янада сидқидилдан хизмат қиламан.

**Омон ҚУВОНДИҚОВ, Иккинчи жаҳон уруши фахрийси:**

– Юрт тинчлиги, Ватан озодлиги каби тушунчаларнинг қадри нечоғлик катта экани биз, кексаларга яхши маълум. Яратганга шукр, юртимизда тинчлик ва осойишталик. Халқимиз осуда ва фаровон ҳаёт кечираётир. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримовнинг эл-юрт равнақи йўлида қилаётган буюк меҳнатлари ва ғамхўрлиги самарасидир.

Ҳозир ҳарбийда хизмат қилаётган аскарларга ҳавас билан қараймиз. Улар учун яратилган шароит, берилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳеч қайси даврда бўлмаган. Илгари ўғли армияга кетаётганида йиғи-сиғидан тийилмаган ота-оналар бугун фарзанди армияга бориш учун танловдан муваффақиятли ўтса суюнади. Замон талабларига мос миллий армиямиз шакллангани – халқимиз истиқлол йилларида эришган энг улкан ютуқлардандир.

**Равшан ХЎЖАНОВ, подполковник:**

– Ватанга хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг шарафли бурчидир. Бугунги ёшларимизнинг ғайрат ва шижоатига ҳавас қилса арзийди. Чунки ўғлонларимиз она юрт тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишдек шарафга эришмоқдалар.

Ватан ҳимоячилари кунининг миллий байрам сифатида кенг нишонланиши биз, ҳарбийларга қаратилаётган улкан эътибордан яна бир далолатдир.

**Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА**



**Миллий армиямиз сафларида кичик командирлар ўз ўрни, нуфузига эга. Сержант Фарҳод Ибрагимов ҳам шу метин сафларни тўлдириб турган Ватан ҳимоячиларидан бири. Вояга етган йигит борки, зиммасидаги мажбурияти, бурчини бажаришга интилади. Ҳарбий мақомига муносиб бўлишга ҳаракат қилади. Бу биринчи навбатда соғлом ва жисмонан чиниққан, билимдон ва маънавий етук бўлмоқ, демакдир.**

# МЕТИН САФЛАРДАГИ ФАРҲОДЛАР

Буни тўғри англаб етган Фарҳод ўсмирлик чоғидан бошлаб тайёргарлик кўриб борди. Аскарликка ҳар томонлама лойиқ йигитни мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли ҳайдовчилик курсига тавсия қилишди. Бу ерда кечган олти ой бўлажак Ватан посбони учун дастлабки синов вазифасини ўтади. Муддатли хизмат эса унинг келажакда ҳаётини ҳарбий соҳа билан боғлашига замин яратди.

Айни дамда секция командири вазифасида хизмат қилаётган сержант Ибрагимов соҳанинг профессионалларидан бири. Унинг бу мавқега эришишида талабчан устозлари, сержантлар тайёрлаш мактабида 2004 ҳамда 2008 йилларда олган сабоқлари катта ўрин тутди. Бугун у кичик командир сифатида қўл остидаги аскарларнинг талабчан устози. Уларга ҳар томонлама эътибор қаратиб, оилавий, шахсий ва руҳий ҳолатини ўрганиб, зиммасига юклатилган масъулиятли бурчни мукаммал адо этишга ҳаракат қилмоқда. Сержант Ибрагимовнинг хизматда эришган муваффақиятларини қисм қўмондонлиги томонидан берилган фахрий ёрлиқлар ҳам исботлаб турибди.

Унинг эришган ютуқларидан айниқса онажониси Хадича опа ҳар гал қувончга тўлади, фахрланади. Турмуш ўртоғи Убайдулла ака бевақт оламдан ўтиб, тўрт фарзанди унинг бағрида қолганига анча йиллар бўлган. Ўшанда Фарҳоджон уч ёшда эди. Волидаи муҳтарамасининг заҳматли меҳнати, бедор онларию оташ меҳри эвазига у ҳам акалари қаторида забардаст йигит бўлиб вояга етди. Ҳарбий хизматчи бўлишга аҳд қилганида дуолари ила қўллаб турди. Илк ҳарбий либос кийганда эса қувонч ёшлари ила уни бағрига босгани ҳамон ёдида.

— Инсон азиз Ватани ва ота-онаси олдида ҳамиша қарздор, — дейди мақоламиз қаҳрамони суҳбат чоғида. — Шу сабаб улар олдидаги фарзандлик бурчини оқлашга шай турмоғи лозим. Мен ҳам юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаётган мард ўғлонлар сафида эканимдан, Ватанни ҳимоя қилишдек эзгу ишга оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Бўш вақтимни кўпроқ онам, оилам билан ўтказишга ҳаракат қиламан. Ҳаётда шу ҳақиқатга амин бўлдимки, инсон астойдил ҳаракат қилса, албатта мақсадига эришади. Болалигимда тоғам — истеъфодаги ҳарбий хизматчи Баҳром Маҳмудовга ҳавас қилардим. Улар каби ҳарбий касб эгаси бўлиш мен учун ушалмас орзу эди гўё. Болаликдаги мана шу беғубор орзу сабаб мақсад сари интилдим, ҳаракат қилдим. Муддатли ҳарбий хизматга лойиқ топилганим ниятимга етишимга замин яратди. Ҳар бир соҳада бўлгани каби ҳарбийда ҳам ўз устида ишлаш, малака ошириш, тажриба алмашиш катта аҳамият касб этади. Мен учун сержантлар тайёрлаш мактабида олган сабоқларим хизмат сирларини, замонавий ҳарб илмини эгаллашимда муҳим ўрин тутди. Бу борада устоз офицерлар Мирза Шералиев, Алишер Тошботировлардан беҳад мамнунман.

Дарҳақиқат, Ватан ҳимояси фидойи бўлишни талаб этиши сир эмас. Шу сабаб ҳарбий соҳанинг ўзига хос синовлари бисёр. Бу ҳақиқатни чуқур англаб етган инсонгина ҳарбий хизматчи бўлишга аҳд қилади, соҳада ўрин топади. Мақоламиз қаҳрамони бугун бу синовларни ортда қолдириб, тажрибали хизматчилар сафида фаолият юритаётгани билан эътирофга сазовордир. Биз Фарҳоджон ҳақидаги фикрларни эшитар эканмиз, унинг табиат шайдоси эканлигидан ҳам воқиф бўлдик. Унинг бошчилигида аскарлар ётоқхонаси ва қисм ҳудуди гулларга бурканганини сафдошлари таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, сержант Ибрагимов намунали оиласи билан ҳам барчага ўрнак. Турмуш ўртоғи Наргизахон ва қизалоғи Робиябону унинг ҳаёти мазмуни. Ватани ва оиласини кафтида асровчи бундай йигитларни том маънода элнинг муносиб таянчи десак арзийди.

**Зулфия ЮНУСОВА**



# ОНАЛАР ШАРАФЛАНДИ

**Она Ватан ҳимояси, элу юрт осойишталиги, тинч ва осуда ҳаётни асраш, сарҳадлар дахлсизлигига қалқон бўлишдан ҳам ортиқ шарафли ва муқаддас бурч йўқ. Ватан ҳимоячиларига кўрсатилаётган юксак эътибор, ғамхўрлик ва эъзоз ҳам мана шу юксак туйғуларнинг қадр-қиммати қанчалик баланд эканини кўрсатади.**

Зеро, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг фаровон ҳаёти ва Ватанимиз тараққиётининг муҳим омилидир. Ўтказилаётган ҳар бир байрам, тўю томоша, болажонларимиз шоду хуррамлиги ҳам мана шу тинчлик-осойишталик самараси, албатта.

Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб Автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежида «Аскар оналар слёти» мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда ҳам ана шулар ҳақида сўз борди. Чилонзор тумани ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, туман мудофаа бўлими каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда айни вақтда йигитлик бурчини ўтаётган аскар йигитларнинг оналари, маҳаллаларда истиқомат қилувчи бўлғуси посбонлар — ёшлар, корхона, ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

— Туманимиздан ҳарбий хизматга отланиб Ватанимиз осмонининг мусаффолиги, халқимиз тинчлиги-осойишталигини қўриқлашдек муқаддас бурчини ўтаётган 10 нафар аскар йигитларимиз оналарига қўмондонликнинг ташаккурномалари келган. Бугун биз ушбу тадбирга мард ва жасур ўғлонларни тарбиялаб вояга етказган онахонларни, шу билан бирга энди хизматга отланаётган ёшларни таклиф этдик, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова. — Мақсадимиз оналаримизга тантанали тарзда ташаккурномаларни топшириб уларни шарафлаш, кўнгилларида фахр туйғусини уйғотиш, ёшларимизга Ватанга хизмат қилган марду майдонлар ҳамиша эл эъзозида бўлишини етказиб, улар қалбида ватанпарварлик туйғуларини уйғотишдир.

Дарҳақиқат, юртимизда мардлар, эл корига камарбаста бўлган шунқорлар ҳамиша улуғланган, шарафланган. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ўғлонининг намунали хулқи, юксак билими, синовлардан муваффақиятли ўтиб, топшириқларни аълога бажариб тенгдошларига намуна бўлаётганини эшитиб, кўзлари севинч ёшларига тўлган «Кичик Хирмонтепа» маҳалласилик Умиджон Нишоновнинг онаси Гулноза Валиева, «Навбаҳор» маҳалласидан Абдуазим Набиевнинг онаси Феруза Набиева, «Шараф» маҳалласидан Маҳмуджон Розиқовнинг онаси Дилобар Бурхоновалар сўз олиб, аввало юртимиз тинч бўлсин, фарзандларимиз элимиз, Ватанимиз осойишталигини ҳамиша кўз қорачиғидек асраб-авайлашсин дея дил сўзларини айтиб, эзгу тилакларини билдирдилар.

Оналарга «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари туман бўлимларининг эсдалик совғалари топширилди.

Туман маданият ва спорт бўлими хонандалари, коллеж талабалари ижросидаги концерт дастури барчага манзур бўлди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТДА: «Аскар оналар слёти» тадбиридан лавҳа**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

**Ўтюрак, ёвқур, жасур ўғлонлар — миллат кўрки, Ватан фахри. Эл ана шундай фарзандлари борлигидан қувонади, қалбида ғурур ва ифтихор ҳиссини туяди. Чунки турмуш осойишталиги, сарҳадлар дахлсизлиги улар зиммасидадир.**

# ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР — МИЛЛАТ КЎРКИ

Ҳарбий қисм алоқа пости бошлиғи кичик сержант Ойбек Мамажонов ҳам юрт осойишталигини таъминлашни ихтиёр этганлардан. Ёш бўлишига қарамай бой назарий билим ва амалий кўникмаларга эга эканлигини намунали хизмати, соҳада эришаётган ютуқлари билан намоён этиб келаётган кичик командир касбига садоқати, ҳарб илмини пухта эгаллаганлиги, зиммасидаги вазифани виждонан адо этиши билан жамоада ҳурмат-эътибор қозонган.

Маълумки, Қуролли Кучларимиз мудофаа салоҳиятининг юксалиши, қўшинларда жанговар шайликнинг таъминланишида армиямиз профессионалларининг ўрни беқиёс. Истиқлол йилларида жорий этилган янгича анъаналар сабаб армиямизда сержантлар корпусига бўлган эътибор кучайтирилди, уларнинг ислоҳотлар мазмун-моҳиятидан, соҳа сирларидан бохабар, ўз касбининг устаси, Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўя оладиган, энг мураккаб вазиятларда ҳам тўғри қарор қабул қилишга қодир кадрлар бўлиб етишишларига алоҳида аҳамият қаратилди. Натижада кичик командирлар аскарларнинг энг яқин устозига, командирларнинг ишончли кўмакчисига, армиямизнинг том маънода суянчи ва таянчига айланишди.

Мақоламиз қаҳрамони умумтаълим мактабини муваффақиятли битиргач, олий таълим даргоҳини араб ва форс тиллари таржимони мутахассислигига эга бўлган ҳолда тамомлаб зиммасидаги конституциявий бурчни ўташга йўл олди.

Муддатли ҳарбий хизмат шунқорнинг ҳар томонлама тобланишига замин бўлди. Армияда устоз офицерлар ва сержантлардан ҳарб илмини пухта ўрганди, машғулотларда илғор бўлишга, Умумҳарбий низомларни мукаммал ўзлаштиришга интилди. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар беиз кетмади. Жанговар вазифалар ва топшириқларни адо этишда ва сабоқларни ўзлаштиришда сафдошларига ҳамиша ўрнак бўлиб келган, ўз устида ишлашга, изланишга одатланган посбоннинг намунали хулқи ва хизмати учун бир неча бор қисм қўмондонининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланганини таъкидлаш жоиз.

Муҳими, айнан муддатли ҳарбий хизмат сабаб ўғлоннинг қалбида шарафли касб эгаси бўлишга иштиёқ уйғонди. Бунда, албатта, аскарлик чоғида унга таълим-тарбия берган офицер ва сержантларнинг таъсири катта бўлган.

Натижада, Ойбек муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, шартнома асосида хизматга қолишга аҳд қилди. Табиийки, салоҳият ва маҳорат бобида сафдошларига ибрат бўлган посбоннинг бу қарори офицерларни, армиядаги барча устозлари ва командирларни қувонтирди.

Мана, шижоатли посбоннинг миллий армиямиз сафларида шартнома асосида хизмат қилаётганига ҳам ўн йилдан ошди. Албатта, ўн йил тарихан жуда қисқа муддат. Аммо Ойбек учун ўтган йилларнинг аҳамияти жуда улкан, қадри юксак. Сабаби, бу йиллар мобайнида эл-юрт тинчлигига умрини бахшида қилган, қалби шарафли касб эгаси эканлигидан ғурурга тўла Ватан ҳимоячилари – ўзбекнинг забардаст ўғлонлари билан елкама-елка хизмат қилди, Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишларга бевосита гувоҳ бўлди, қўл остидаги посбонларнинг касбий маҳорати ошишида, ҳар томонлама чиниқишида оз бўлса-да, ҳисса қўшди.

– Кичик сержант Мамажонов мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч ва осойишталигини таъминлашдек улуғ вазифани сидқидилдан адо этиб келаётган сафдошларимиздан, – дейди офицер Ҳ. Қодиров. – Шунингдек, соҳага оид билимларни ҳам пухта ўзлаштирган, ўз ишини яхши билади. Муҳими, касбига юракдан меҳр қўйган. Сафдошимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари сабабини айнан шунда, деб биламан. Чунки, инсон ўз ишини, касбини севмас экан, бирон-бир ютуққа эришиши қийин.

Профессионаллик сари дадил одимлаётган ўғлоннинг юрт тинчлиги, осойишталигини асрашдаги хизматлари муносиб баҳоланиб, Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги байрамида Юртбошимиз фармонига кўра Ватанимизнинг юксак мукофоти – «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Зиммасидаги вазифаларни шараф билан адо этиб келаётган, билими ва касбий маҳорати туфайли юксак эътиборга сазовор бўлган кичик командирнинг бундан кейин ҳам янги-янги ютуқларни қўлга киритишига ишонамиз.

**Жамшид НИЁЗОВ**

# ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғояси билан пойтахтимизда барпо этилган «Ватанга қасамёд» монументи юртимиздаги ҳар бир ёш учун чинакам ватанпарварлик, фидойилик ва мардлик тимсолидир. Бу ҳайкал ўз ҳаётини шу табаррук замин ҳимоясига бағишлаган йигитларнинг эзгу орзу-мақсадларини ўзида мужассам этган.

Бугун ушбу масканда мактаб ўқувчилари ва талаба-ёшлар учун маънавият сабоқлари, ҳарбий хизматчилар билан учрашувлар, маърифий анжуманлар ташкил қилинаётир. Бу ёшларни Ватанга садоқат, мардлик ва жасорат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Ватан ҳимояси ҳар бир йигит учун орият, мардлик ва матонат ишидир, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Мансурбек Абдуллаев. – Мазкур монумент азиз ва мўътабар Ўзбекистонимизни асраб-авайлаш бизнинг чин фарзандлик бурчимиз эканидан сабоқ беради.

Аброр Тешабоев ҳарбий қисмлардан бирида ўз йигитлик бурчини ўтагач, имтиёзли йўлланма асосида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси бўлди.

– Замонавий шарт-шароитларга эга миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш, сўнг ҳаётда муносиб ўрин топиш учун қатор имтиёзларга эга бўлиш Президентимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлар самарасидир, – дейди А.Тешабоев. – Буларнинг барчаси бизни она Ватанимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, унинг шуҳратини янада юксалтириш йўлида ўқиб-изланишга ундайди.

Тадбир иштирокчилари «Ватанга қасамёд» монументи пойига гуллар қўйдилар.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

# ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

**Қатарда бўлиб ўтаётган футбол бўйича Осиё чемпионати қизғин паллага кирмоқда. Кеча «А» гуруҳида иккинчи учрашувлар бўлиб ўтди.**

Дастлаб Дохадаги «Ал Гарафа» стадионида Ўзбекистон ва Қувайт терма жамоалари ўзаро куч синашишди. Анчагина кучли бўлган Қувайт жамоасига қарши юртдошларимиз қуйидаги таркибда майдонга тушишди: Нестеров, Исмоилов, Аҳмедов, Турсунов, Андреев, Ҳайдаров, Копадзе, Карпенко, Жепаров, Гейнрих, Шацких.

Дастлабки ўйинда ҳужумкор тарзда тўп сурган мамлакатимиз терма жамоаси бу гал ҳам рақиблари учун ҳеч қандай имконият қолдирмасликка ҳаракат қилди. Биринчи бўлим футболчиларимизнинг тўлиқ устунлиги остида ўтган бўлса-да, бироқ уларга рақиб жарима майдони атрофида ҳал қилувчи дақиқаларда аниқлик етишмади. 41-дақиқада эса чарм тўп усталаримизга омад кулиб боқди. Белгиланган жарима тўпини Максим Шацких «жонли девор» устидан ошириб шунчалик аниқ бажардики, Азизбек Ҳайдаровнинг белига тегиб йўналишини ўзгартирган тўп дарвозанинг нариги бурчагидан жой олганлиги сабабли дарвозабон ҳатто ўрнидан қўзғалишга ҳам имкон тополмади.

Иккинчи бўлим бошларида рақиблар ҳужумга зўр бердилар ва 49-дақиқада 11 метрлик жарима тўпидан Бадр ал Мутва ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Сўнг ташаббус яна футболчиларимиз томонига ўтди. 65-дақиқада заҳирадан майдонга тушган Жасур Ҳасанов оширган тўпни Сервер Жепаров ҳатто тўхтатиб ҳам ўтирмасдан чап оёғи билан кучли ва аниқ зарба билан дарвоза тўрига қойилмақом тарзда жойлади — 2:1. Ўйин охиригача ҳисоб ўзгармади.

Шу тариқа икки учрашувда 6 очко жамғарган футболчиларимиз ягона пешқадамга айланишди ва чорак финалга йўлланма олишди. Жепаров эса иккита гол билан чемпионат тўпурарлари қаторидан ўрин олди. Гуруҳдаги сўнгги ўйинни мамлакатимиз терма жамоаси 16 январда хитойликларга қарши ўтказади.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Хитой ва Қатар терма жамоалари баҳс юритишди. Бу гал майдон эгалари чиройли ўйин кўрсатиб, Юсуф Аҳмал киритган икки тўп эвазига 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

«D» гуруҳида ҳам иккита учрашув ўтказилди. КХДР – БАА ўйинида 0:0 ҳисоби қайд этилган бўлса, амалдаги қитъа чемпиони Ироқ термаси баҳсни эронликларга 2:1 ҳисобида бой берди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

